



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 45 (819)  
2022 йил  
17 ноябрь,  
Пайшанба



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)

@jamiyatgzt@mail.ru



[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)



## “ЯШИЛ ИКТИСОДИЁТ” ГА ЎТИШ НИМА БЕРАДИ?

2021 йилда Истанбул саммитида Кенгаш тарихида янги саҳифа очилди — у “Туркий давлатлар ташкилоти” деб қайта номланди. Ушбу қисқа давр мобайнида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича 30 дан зиёд ташаббус ва таклифлар илгари сурилди.

>2


## АБДУЛЛА ҚАҲХОРНИНГ ХУРМОСИ

Шароф Рашидов ва Космонавтлар шоҳ кўчалари кесишган нуқтадан кун ботар томонга қарасангиз, нигоҳингиз бурчакда манаман, деб турган Интерпол миллӣ марказининг айлана кўринишдаги ҳаворанг ойнали биносига тушади. Ўзбекистон ички ишлар вазирлигининг ўнг қаноти этагида жойлашган ана шу кошондан академик Юнус Ражабий кўчаси бошланади. Эллик-олтмиш қадам ичкарига кирсангиз, рўпарангизда озиқ-овқат дўкони, унинг қафталида халқимизнинг ардокли фарзанди, буюк бастакор-у, беназир ҳофизнинг кўркам уй-музейи савлат тўкиб турибди. Унга туташган бир хилдаги икки қаватли уйлар ёқалаб озигина юрсангиз, йигирманчи аср ўзбек миллӣ адабиётининг йирик намояндадаридан бири, аллома санъаткор Юнус Ражабийнинг жон кўшниси, қадрдан дўсти ва маслакдоши — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳхор хонадони олдидағи гулзор ичидан ўрнатилган буюк адид бўюсти сизга мамнун бокиб, паст ва майн овозда “Ассалому алайкум, хуш келибсиз!” дейётгандек бўлади. Ҳовли дарвозаси ҳам, адид уй-музейи эшиги ҳам доимо очик. Девордаги

тутмагачага бармоғингиз тегиши билан ичкаридан кўнғироқнинг жарангдор овози эшитилади. Хиёл ўтмай, эшик очган қиз табассум билан салом бериб, сизни ҳовлига таклиф этади. Дарвозадан киришингиз билан райхоннинг муаттар хиди баҳри-дилингизни яйратиб юборади. Райхонлар ичидаги узукка кўйилган кўздея яршиб турган қизил атиргуллардан кўз узолмай қоласиз, ҳавасингизни келтириб, хуш кайфият баҳш этади. Райхонни ҳам, атиргулни ҳам тўйиб-тўйиб хидлаб, жилмайганча юра бошлийиз. Новдалари сўрига тараалган токнинг қош қоқиб, кўз сузиб турган ўн-ўн беш бош кишиш узуми ҳам дилингизни яйратмай қолмайди.

Бу кутлуғ даргоҳга биринчи бор қадам ранжида қилганингиз учунми, саришта-санранжомли мўъжазгина ховлининг у ёк-бу ёғига янада қизиқиброқ қарайтисиз. Зўр жой экан, дейсиз ўзингизга ўзингиз ва шу захотти шоҳлари бошингиз узра этилиб турган сон-саноқсиз хурмоларни кўриб, хайратланганча тўхтаб қоласиз. Сўнг беихтиёр улкан дараҳт олдига бориб, қўлингизни узатасиз. Ҳурмо танасини силаб-силаб, ҳосилини аранг кўтариб турган шоҳларига термуласиз.

(Давоми 8-саҳифада)



## СЎРОВНОМА ШУНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИМИ?

### Ёхуд шошқалоқларнинг шармандали қилиғи?

Сўнгги вақтларда қайсики ёш журналистнинг (агар уларни шундай аташ мумкин бўлса) фаолиятига эътибор қаратманг, бирор мавзуни танлаб, қайсири жойда туриб олганча ўткан-кетганинг фикрини ўрганаётгандек бўлади, гўё. Бу ҳолат турли интернет сайтларида ишлайдиган ёш мухбирлар “ижоди” да кўпроқ кўзга ташланади. Бир қарашда бундай усуслар чиндан ҳам кенг аҳоли вакилларининг кўнглидаги гапини олиб чиқиши, халқнинг ичига кириб боришдек таассурот ўйғотади. Аммо кўйилаётган муаммо, берилаётган саволлар ҳамда одамлар билан мулокотга киришиш учун танланган жой ростдан ҳам ҳақиқий натижани берадими деган савол кишини ўйга толдиради.

Мисол учун янгиланаётган конституция ҳақида ростакамига халқнинг фикрини билмоқчи бўлган профессионал журналист турли тоифадаги, турли касб ва ёшдаги одамларга мурожаат қилиб, уларнинг атрофлича фикрларини ўрганиши тўғри бўлмайди-ми? Ёки ҳозирда давом этаётган Россия — Украина урушида қайсири томоннинг ҳаракатларини ёқлаш борасида давлат хизматчилари иккита томон билан ҳам алоқалар салбий тус олмаслиги учун кескин фикр билдиришдан ўзини тияётган бир паллада кўча-кўйда шахсини ошкор қилмасдан оғзига келганини қайтармай, у давлат тўғри киляпти, бу давлат бекорга одамларнинг қони тўкилишига сабабчи бўляпти, деяётган одамларнинг бемулоҳазалик билан айтган сўзларини тарқатиш қайақлга сиғади?

Буни қарангки, ҳар иккала ҳолатда ҳам журналистика соҳасига эндиғина қадам кўйган ёшлар томонидан бири қайсири дехқон бозорларида хўжалик маҳсулотларини сотувчи одамлар ҳамда ушбу бозорларга ҳарид қилиш учун келган одамларга савол билан мурожаат қилиниб, тасвирга олинган.

Энди ўйлаб кўрайлиқ, сиёсат билан кўп ҳам иши бўлавермайдиган ёки юқорида айтилган мавзуларга жиддий эътибор қаратавермайдиган картошка-фурушлар, аравакашлардан микрофон тутилган заҳотиёқ ўринли жавоб чиқишига ким қанчалик ишонади.

Бу гапим билан бозордаги сотувчиларни камситмоқчи ёки улар билан савол-жавоб ўтказиш мутлақо ҳато демокри эмасман. Шунчаки бунақа жиддий мавзуларга жавоб излашда жой тўғри танлансангина, турли табақадаги инсонлар фикрини олсаларгина халқнинг кўнглидаги ҳақиқий гаплар зоҳир бўлишини айтмоқчиман, холос.

(Давоми 4-саҳифада)

Қарийб икки ой аввал Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитида ШХТга аъзо, кузатувчи ва ҳамкор давлатлар ҳукуматлари, етакчи халқаро ва ҳудудий ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этган эди. Учрашувда глобал ва минтақавий ривожланишнинг энг долзарб масалалари, барқарор ривожланишга хавф ва таҳдидлар муҳокама қилиниб, биргаликдаги хатти-харакатларнинг аниқ режалари белгилаб олинди.

# “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ГА ҮТИШ НИМА БЕРАДИ?

Яқинда эса Самарқанд навбатдағи халқаро учрашув — Туркий давлатлар саммитига мезbonлик қилди. Қадимий ва навқирон шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига ўтган тадбирда Туркманистан Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимұхамедов, Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Венгрия Баш вазири Виктор Орбан иштирок этди. Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий давлатлар парламент ассамблеяси (ТУРКПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда ушбу кўп томонлама тузилманинг котибијати раҳбарлари ҳам қатнашишди. Аҳамиятлиси, ўзбек заминида ушбу бирлашмага аъзо ва иштирокчи давлатлар раҳбарлари илк бор сифат жиҳатидан янги шаклда — тўлақонли Туркий давлатлар ташкилоти доирасида тўпланди. Ушбу мулоқотларда Самарқанд мухим сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилинадиган жойга айланди.

Шу ўринда яқин тарихга назар ташласак. Ўзбекистон 2019 йилнинг октяброда ТДХҚнинг тўлаконли аъзосига айланди. Орадан икки йил ўтгач, 2021 йилда Истанбул саммитида Кенгаш тарихида янги сахифа очилди — у “Туркий давлатлар ташкилоти” деб қайта номланди. Ушбу қиска давр мобайнида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича 30 дан зиёд ташаббус ва таклифлар илгари сурилди. Шунинг баробарида амалий ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш фояларини ифодаловчи халқаро ҳамкорликнинг мутлақо янги шаклини илгари сурини бўйича келишувга эришилди.

халқаро ҳамкорликнинг энг юқори самарадорлиги савдо, иктисолидий йўналишда намоён бўлади. Шу жиҳатдан туркий давлатлар ўртаси-даги нисбатан камроқ ҳажмда амалга оширилаётган умумий савдо ҳажми-ни ошириш учун мамлакатларнинг етакчи саноат корхоналари, инве-стицион компаниялари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлари ўр-



тасидаги кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳудудлараро ўзаро ҳамкорликни йўлга кўйиш лозим. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан ТДТ ўртасида савдо ҳамкорлиги борасида тадқиқот маркази ҳамда ТДТнинг Таракқиёт банки яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мулокотларда иқтисодиёт, савдо, инвестиция, транспорт, инновация, экология, туризм, маданий-гуманистар ва бошқа соҳаларда ўзаро манбафаатли ва кўп киррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш ма-салаларининг муҳокама қилиниб, алоқаларни мустаҳкамлаш борасида янги таклифларнинг ўртага ташла-ниши ҳар томонлама ҳамкорликниң барқарор ривожланишига замин яратди.

Туркий давлатлар ўртасида ўза-  
ро ҳамкорлик муносабатлари янги  
минтақавий йўлаклар ва логистик  
инфратузилмани ривожлантириш,  
транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқ-  
лик дастурларини амалга ошириш  
жараённида ҳам акс этди. Юртбоши-  
миз таъкидлаганидек асосий макса-

димиз — қуруқлиқдаги йүлларими  
ва денгиз порттарини дунё бозорла  
ри билан боғловчи ягона транспор  
маконини шакллантиришдан ибо  
рат. Ушбу омиллар ўзаро савдо ха  
жмларини кенгайтиришга хизма  
килади.

Сўнгги вақтларда “Яшил иқтисодийёт” тушунчаси оммалашди. 2011 йилда Ўзбекистон “Яшил иқтисодийёт” тушунчаси оммалашди. 2011

нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжимиздан уч карпа кўп. Демак, бу жихатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқори. Бугун бутун дунё шу йўлни танлайти. Эътиборлиси, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб мазкур йўналишни афзал кўрди ва бунга эришиш учун ҳаракат бошлади. Қисқача айтганда, “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси юртимизнинг “яшил тараққиёт” сари юз бурганини англатади.

Саммит “Яшил” ва “ақлли” иқтисодиётларни яратиш барқарор тараққиёт ва ривожланишни таъминлашга қодир бўлган инновациялар, ноу-хау ва моделларни ишлаб чиқишида имкониятларни кенгайтириш учун пойдевор бўлиши мумкин. Зеро, экологик мувозанатни сақлаш минтақавий бирдамликка эришилгани фойдадан холи бўлмайди. Шу нуқтаи назардан умумманфаатли стратегик режаларга таяниб, биргаликда ҳаракат қилиш ТДТнинг барча аъзолари учун самарали ечим вазифасини бажаради.

Халқаро вазиятнинг мураккаблашуви, зиддият ва қарама-қаршиликларнинг чуқурлашуви, глобал даражадаги ишончнинг йўқлиги хавфсизликка янги таҳдидлар туғдираяпти. Бундан ташкири, иқлим ўзгариши, эпидемиологик касалликлар, деструктив ахборот оқимлари билан боғлиқ бўлган хавфлар ҳам кескинлашмоқда. Ушбу жараёнда замонавий таҳдидлар ва хатарларга қарши биргаликда курашиш осон кечади. Тинчлик ва барқарорлик таъминлансанагина халкларимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, бой тарихи ва маданияти, кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч чуқур илдиз отали

Мухтасар айтганда, жаҳоннинг ўта кенг миқёсли хилма-хиллигини шак-шубҳасиз хурмат қилишга асосланган ТДТ ўзининг нуфузли ва зарур минтақавий тузилма, шунингдек, халқаро муносабатларнинг замонавий тизимидағи муҳим элемент сифатидаги мақомини мустаҳкамлашда давом этади.

**Алишер УСМАНКУЛОВ,  
Жizzах политехника институти ректори, техника фанлари  
доктори профессор**

Бугунги кунда Ўзбекистон деб аталмиш хурдиёрда, замон талабига мос равишда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган соҳалар қаторида, давлат тилига ҳам жуда катта аҳамият берилмоқда. Табиийки, ҳалқимизнинг ижтимоий келиб чиқиши, бугуни ва эртанги ҳаёт тарзи, илм-фан ва тараққиётдаги ютуқлари ва камчиликлари, эртанги кунда барқарор ривожланган давлатлар қаторида туриш учун камчиликларни йўқ қиласидан, бўшликларни тўлдириш режаларини кўзгу сингари ўзида акс эттириб, тарихга муҳрлайдиган ўзбек тилисиз давлат ривожини тасаввур қилиш имконисиз. Дарҳақиқат, тил – давлат тимсоли, мулки, руҳи, жамиятнинг маданий ва маънавий бойлиги, ҳалқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, миллатнинг тарихи – ўтмиши, бугуни ва келажагидир.



Миллатимизтили тарихигабирна зар солсак, 1989 йилнинг 21 октябрь куни Ватанимизда давлат тилининг ҳуқуқий асосларини белгилаш бўйича «Давлат тили тўғрисида»ги Конун қабул қилиниб, унга кўра, Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги Конунига кўра, 21 — октябрь «Ўзбек тили байрами кунини» этиб белгиланди. Бунинг исботи ўлароқ, тарихий муҳим байрам сифатида яқиндагина Ватанимиз бўйлаб, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганинига 33 йиллиги байрами тадбирлари бўлиб ўтди.

Миллат тили бўлмиш ўзбек тилида сўзлашувчилар сони ҳозирда ер юзида қарийб 50 миллиондан ошиқ кишини ташкил этиши унинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради. Бу – ўзбек тилининг фойдаланилмайдиган (ўлиқ) тиллар қаторига тушиб қолмасдан, бугунги кунгача этиб келиши ва дунё бўйлаб кўп сонли сўзлашувчиларга эга эканлиги осонликча эришилган жараён эмас, дегани. Ўзбек тилининг узок тарихи милоднинг бешинчи аслидан ўнинчи асригача бўлган узоқ вақтни ўчида олган туркий тилларнинг олтой оиласига мансуб. Сизу биз сўзлашаётган хозирги ўзбек тили ана ўша қадимги туркий тилдан ажralиб чиқкан. Бизга маълумки, нутқ икки хил кўринишда ифодаланади – яъни оғзаки ва ёзма кўринишда. Оғзаки нутқ биз сўзлашаётган мулокот шакли бўлса, ёзма нутқ эса тарихнинг бизгача этиб келган ва биздан сўнг мерос килиб қолдирилаётган ёзма адабиётларидир.

Абдулла Авлонийнинг бир шеъ-

лил ибн Аҳмаднинг «Китоб ул-Айн» асарида тутган тартиби кўллаш, истемолдан чиқсан сўзларни ҳам бера бориши фикри менда туғилган эди. Бу тартиб араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб, ўзиди бораётган турк тилини ёритиш жиҳатидан ҳам яхши эди. Лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиши масаласига асосландим. Мен истемолдаги сўзларнигина бердим. Истемолдан чиқсанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир” («Девон» 1,

Мен туркча бошлабон ривоят, Қилдим бу фасонани ҳикоят...

Алишер Навоий туркий адабий тилни (эски ўзбек адабий тилини) тараққий эттириш ва уни кўпчиликка манзур қилишнинг қанчалик оғир ва мешақатли эканини яхши тушунди. Бунинг учун ўша даврда Ўрга Осиёда ҳукмрон бўлган форс тилидаги адабиётта ҳам ҳажм, ҳам мазмун ва ҳам бадиий томондан тенг кела оладиган адабиёт яратиш зарур эди.

Навоий ўзининг бу мақсадини

## ОНА ТИЛИГА ҲУРМАТ – ИНСОНИЙ БУРЧ

рида «Онаи ҳар миллат эрур тил-адабиёт» деган жумлалар бејиз битилмаган эди. Тил бор экан, миллат ҳам тирик! Ўзбек тили тарихи Ўрхун-Энасой битиклариданда қадимdir. Она тилимиз кўп асрларни кўриб, бизнинг замонамизгacha сақланиб келган қадимги туркий тилдир. Неча асрлардан бўён шакланиб келаётган она тилимиз дунё тиллари ичida бой тил саналади.

Ўзбек тилининг улуғ ёшда эканлиги кўпгина ёзма манбалар орқали ўз тасдифини топган.

Туркий ҳалқлар орасидан етишиб чиқсан биринчи энциклопедист турколог олим Маҳмуд Қошғарий (1029-1038 йиллар оралиғида Қошғарда туғилган) Бухоро, Нишопур, Самарқанд, Марв, Бағдод каби шаҳарларда таҳсил кўриб, араб тили сирларини пухта ўрганса ҳамки, ўз умрини туркий ҳалқлар ва уларнинг тилини тадқиқ этишга бағишлийди.

45-46) – деб ёзган.

Маҳмуд Қошғарийдан сўнг Алишер Навоий давригача Маҳмуд Замахшарий, Жамолиддин ибн Муҳанна Жамолиддин ат-Туркий, Абу Ҳайён каби яна бир нечта тилшунос олимлар туркий тилларга бағишиланган асрлар яратишган. Бироқ, эски ўзбек тили бўйича яратилган музкаммал филологик асрлар музалифи, бу Алишер Навоийдир. Биргина Навоий ҳазратларининг ижоди билан яқиндан танишадиган бўлсан, шоирнинг ўзбек тилига кўшган улкан хиссасини англаймиз. Тил кўёш бўлса, адабиёт нур, дея таърифланади. Дарҳақиқат, миллатнинг келаҷаги адабиёт билан ҳамоҳанг. У авлоддан-авлодларга ўтиб, замонлар оша ҳалқ оғзаки ижоди билан ҳамнфас, ёзма ва оғзаки манбалар орқали барҳаёт яшамоқда. Алишер Навоийнинг исми ҳақли равишида Шарқнинг Фирдавсий, Низомий каби за-

амалга ошириш учун 30 дан ортиқ бадиий ва бадиий-дидактик асар ёзди. Ўз даврида барчани ҳайратга солган ва ҳамон китобхонларни лол қилиб келаётган бу асрларда ўзбек ҳалқининг ақл-заковати, ўзбек тилининг бадиий қудрати тўла намоён бўлди. У ўзбек тилининг бойлиги ва нағислигини замондошларига на мойиш қилиш мақсадида «Муҳокаматул-луғатайн» асарини ёзди.

Хуллас, ўзбеклар ўзининг узок ўтмиш тарихига, ёзув маданиятига эга бўлган қадимги ҳалқлардандир. Ўтмишда бу ҳалқ турк, сарт, чигатой ва ўзбек атамалари билан юритилиб келган бўлсада, юқоридағилардан маълум бўладики, ҳалқ ва тилнинг номланиши тарихи ўша ҳалқ ва унинг тилининг таркиб топиш жараёни билан доим тенг бўлавермайди. Ҳалқ ва тилнинг номланиши унинг келиб чиқиш тарихини белгиламайди. Адабиётларда келтирилишича, Турк дейилиши, ҳарбий юришларда бошга кийилган бош кийимидан олинган дейилса, Сарт дейилиши, тарихий асрларда шаҳарлик, косиб, ҳунарманд кишиларга нисбатан ишлатилган атамадир. Чигатой номи эса Чингизхоннинг авлоди номи билан боғланади. Шунингдек, Ўзбек атамаси ҳам Чингизхоннинг авлодига тегишли ёки Олтин Ўрда хони Ўзбекхон билан боғлиқ дейилган тахминлар бўлсада, бунинг акси бўлган ва салб юришлари давридан ҳам аввалроқ ўзбек атамаси шаклланганлигини тасдиқловчи тарихий манбалар мавжуд.

Шундай экан, яралиши ва ривожланишида буюк боболаримизнинг меҳнати ва умри бахшида бўлган, ўзининг машақатли ва шонли тарихий босқичларига эга тилимизни нафакат жонкуярлар, балки миллат вақили сифатида аср-авайлаш, уни келгуси авлодларга тўла-тўқис ва мукаммаллигича етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Қиёмхон АҲМЕДОВ,  
Давлат статистика қўмитаси  
раиси маслаҳатчиси

**Тил бор экан, миллат ҳам тирик! Ўзбек тили тарихи Ўрхун-Энасой битиклариданда қадимdir. Она тилимиз кўп асрларни кўриб, бизнинг замонамизгacha сақланиб келган қадимги туркий тилдир. Неча асрлардан бўён шакланиб келаётган она тилимиз дунё тиллари ичida бой тил саналади.**

«Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, киркиз (киргиз)ларнинг шаҳарлари, кишлек ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим. Уларнинг луғатларини тўплайдим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим» – деб ёзди у («Девон» 1, 44). Ушбу кўп йиллар давомида тўпланган материаллари асосида М. Қошғарий ўзининг 3 томли «Девони луготит-турк» («Туркий ҳалқлар луғати») асарини ёзди. Бизгача этиб келмаган иккичи асари («Китоби жавоҳир ан-нахв фи-л-луғат ат-турк») туркий тиллар синтаксисига бағишиланган эди.

«Девони луготит-турк» асари хақида муаллифнинг ўзи шундай деб ёзди – «Китобни тузиш олдида Ҳа-

бардаст олимлари қаторида туради. Алишер Навоий ўзбек адабиётини мана шу ёзувчилар яратган улуғ адабиёт даражасига олиб чиқди.

Ўзбек адабиётини классик адабиёт даражасига кўтарган Навоий, айни чоғда ўзбек тилини ҳам класик тил даражасига кўтарди. Навоий тили бир неча аср давомида туркий ҳалқлар орасида намуна тил бўлиб хизмат қилди. Алишер Навоий ўз асрларида она тилида ижод қилиш масаласига бир неча марта тўхталиб ўтди. Она тилини тараққий эттириш ҳар бир ёзувчининг муқаддас бурчи, деб таъкидлади у. Бу жиҳатдан «Лайли ва Мажнун» достонининг сўнгига айтилган фикрлар, айниқса, музимдир:

# СЎРОВНОМА ШУНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИМИ?

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Юқоридагидек усулда яратилган контентларни кузатган одам борки, ёш мухбирлар ўзларининг сценарийларида ёзилганидек жавобни тезроқ олиш учун шунчаки одамларни ўйинчоқ қилиб, фойдаланяпти холос деган тушунчага бориши табиий. Негаки айрим ҳолларда бир кузатиш билан кимдан қандай жавоб чиқиши мумкинлигини билса бўлади.

Яқинда яна шундай ёш мухбирлар томонидан “Интернет ривожи газеталарни тарихга айлантираптими? Нима учун одамлар газета ўқимайди?” деган мавзу юзасидан кичик сўровнома ўтказилди. Бунда ҳам худди юқоридаги икки ҳолатда кузатилгани каби мухбирлар аввалдан сценарийлаштиргандек туйилади, гўё. Мухбир қиз Машхура Насридинова лавҳани қуидаги сўзлар билан бошлайди: Бугун газетани кўрмаган, тушунмайдиган авлод шаклланиб бормоқда. Кейинги 5-6 йил ичидаги газеталарни музейларда экспонат сифатида кўрсанак ажаб эмас.

У қизнинг “Қайси газеталарни ўқиб турасиз?” деган саволига кўпчилик ҳеч қайси газетани ўқимайман, дея жавоб қайтарган. Бу лавҳада одамларни кўрган баъзи ўртдошларимиз булар атайлаб териб олинмаганни деган мулоҳазага

бориши. Бахтимизга мутолаа нима эканлиги ва инсонга қанчалик фойда келтиришини англайдиган ўртдошларимиз бор. Улар ўша мухбирлар гўёки “халқимиз ҳеч нима ўқимайди” деган мазмунда тасвирга олиб тармоқка жойлаган видео остига қуидагича изоҳлар колдиришган:

*Холиёр Сафаров:* Афуски, биз асоссиз танқид қилиб, соҳаларни ёмонлаб, нолиб маза қиласидиган, ўқимаслигини айтиб мақтанадиган замонга келдик. Интервью берган одамлардан газета эмас, китоб ҳакида сўрасангиз ҳам ўқимайман деб бехижолат айтишса керак...

Яқинда телевизор кўрмайман деб чиқишганди....

Мабодо, яна бир сўровнома қилиб, “телефондан нима ўқийсиз?” деб сўрашсам, “шу... шу... янгиликлар...” дейди, холос бунаقا одамлар. Аммо “Охирги билган иккита янгилингизни айтингчи” дессангиз “Узр, шошиб тургандим” деб қочиб қолишиади.

*Mr Kurbanov:* Газета ўқимай, унга баҳо берадиганларга ачинаман.

Яқинда бир укам Москвада бўлиб қайтди. “Газета ва китоб ўқиган одамларни кўп кўрдим, қаҳвахона, метро, сайлгоҳларда айниқса, ёшлар ҳам газеталарни кўп ўқишипти” деди.

Демак, бизда жамият енгил-елпига, фикрламасликка ўрганди. Чунки

ҳаёт ва тириклик ташвиши уларни шу кўйга келтириб кўйди.

Қачонки ресурслар тенг тақсимланмас экан, жамият қашшоқликда ва мушоҳадали ҳаёт тарзидан йирокда қолаверади.

*Oybek Xoldorov:* Менинг фикримча, газеталар кундалик ва соатлик хабарларни етказишга имонияти йўқроқ ҳозирги кунда. Бироқ шундай газета ва журналлар борки унда босилаётган ижод маҳсуллари эскирмайди.

*Malak Voris:* Ишончим комилки, газеталарни ёппасига ҳақоратлайдиган одамлар ўзи умрида на газета, на журнал, на китоб ўқиган. Факат интернетда ғийбат билан шуғулланиб ўтирадиганлар. Акс ҳолда яхши ва сифатсиз газеталар ҳакида фикр билдиришарди. Шундай газеталар борки, ўқиши биладиганлар уни қидириб топиб ўқишиади, излашади. Яна шундай газеталар борки, факат ҳисобот учун чиқади. Ундаги маълумотлар зиёлигаям, оддий халқимизгаям кераги йўқ. Турган битгани исроф. Ўзи умуман умрида қўлига ёзувли нарса олиб ўқимайдиганларга эса фарқи йўқ.

Ўйлайманки, бу лавҳадаги жавоб берган инсонлардан китоб ўқийсизми, деб сўралганда ҳам улар ўйланмай йўқ деб жавоб беришарди. Негаки, улар мутоладан мутлақо

йироқ бўлган аҳолининг бир қатлами эканлиги яққол кўриниб турибди. Агарда қандайдир мавзуди ростакам сўровнома ўтказиш керак бўлса, юқорида айтганимиздек аҳолининг турли қатламига мансуб одамларнинг фикрини билиш тўғри бўлади. Марказлашган давлат асосчиси, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳам ўзининг “Темур тузуклари” асарида бунга ишора қилгандек “Ўн икки табақа ва тоифадаги инсонлар билан мамлакатни кўлимда тутиб, салтанатни бошқардим” деб бежизга айтмаган.

Шошқалоқ мухбирлар эса бу каби билимлардан бехабар тарзда ҳақиқатни юзага чиқаришни эмас, шунчаки тезроқ бирор контент яратишни мақсад қилишган бўлсалар керак. Аввало уларнинг ўзлари ҳеч нарса ўқишиади деб ҳисоблайман. Борди-ю адашиб кетиб, ушбу газетани қўлларига олсалар ва ушбу мақолага ногаҳонда қўзлари тушиб колса ишонаманки улар менга эскича фикрлайapsiz, деган иддао билан янги устоз топишим кераклигини ҳам маслаҳат қилсалар ажаб эмас.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ**

## Газета керак эмас... ми?!



Инсонлар ўз қўли билан кашф қилган ва ўз қўли билан йўқ қилишга талпинаётган мўъжизасан, қадрдоним газета. Охирлаб бораётган йилни эсласам, ортда қолган кунларга қайтгим келмайди.

Сафи кенгайиш ўрнига, тобора сийраклашиб бораётган ва сенга содик эмас, собиқ мухлис бўлганларнинг бугунги ахволи қандай эканига қизиқаман. Улар на сенга ва на ўзларига вафо қилишди. Агарда, сенга ошно тутишини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтланса, дарҳол қўл силтаб юбориш даражасига етиб келишди. Бу билан хурриятни байроқ тутган нашрларни ўқиб, сўзи тафаккурга юқадиган саҳифаларни вараклашдек, завқли онлардан мосуво бўлишди. Начора, бу қилмишлари ортидан жамиятда маърифатга ён бериш ўрнига, жаҳолатга юз тутишдан ҳам қайтишмади.

Гўёки, улар учун газета - оддий қофоз ўрнини босувчи восита. Шунга яраша бепул тарқатилиши ҳам керак. Аслида, тарғибот ҳеч қажон бепул бўлган эмас. Газета ҳам расмий тарғибот воситаси. Унга ҳозир моддий жиҳатдан қўшимча имтиёзлар берилиши зарур.

Ҳаётда шундай тамойил амал қиласи: Инсонларнинг чанқоги баланд соҳалар гуркираб-яшнайди. Эътибор талаблари эса пана-пасқамда бўй чўзизб ётаверади. Тарих саҳифаларини варакласам, бир пайтлари миллионлаб одамлар қалбини забт этган нашрларнинг бугунги кунда, базур 3000-4000 нусхада обуна уюштиришга қудрати етаётганини кўриб, баъзида ачиниб кетаман. Эҳтимол, зиёли қатлам вакиллари орасида ҳам газета ўқишига эҳтиёж сусайгандир. Шунинг учун обуна мавсуми бошланганида қўриниш беришмаётгандир? Билмадик.

Сенинг тақдирингни шу каби кичик таҳлиллар орқали белгилашга ҳаракат қиласидан. Харчанд уринмайин, жамиятга бугун жуда зарурлигингни эслатиб турган ва атрофингда бирлаша олган парвоналаринг учунгина кераклигингни англаш етаман. Ҳа, сен чиндан ҳам нажоткорини кутиб интизор бўлган қадрдонимсан!

Сенинг учун кунни-тунга, тунни-кунга улаб тер тўйкаётган жигаргўшаларинг, ҳар бир қаричингда ўқувчини ўзига жалб қила оладиган маълумотларни жойлаштириш ниятида кечаларни бедор ўтказишиади. Босмахона ҳиди анқиб турган газеталарни қўлга олганда эса бу чарчоқлар буткул унун бўллади. Боз устига, одамлар орасида газетанинг ахборот ташувчанлик қобилияти ўқолганига ишора қилувчи гап-сўзлар ана ўша жигарбандларинг устига бир челак сув куйгандек, бир гап. Худди,

килинаётган меҳнат самарасини бериш ўрнига, ҳавога учайтгандек.

Тўгри, сенинг юзингда ҳам ранг-баранг ва янги ахборотлар кўп ва хўп чоп этилади. Бироқ, муштоқ қалблар хузурига етгунинга қадар, очиги анчагина эскириб қоласан-да! Шундай бўлса ҳам, ҳар нарсадан устун қўйган азизимсан, газета!

Айни обуна мавсуми бошланиши чоғида юрак ҳовучлаб ўтирадиган, келгуси йилда чиқиш ёки чиқмаслигингни ўйлаб, ўртанадиган парвоналарингга ачинасанми, эй, қадрдоним?

Фикр юритиб кўр. Бир замонлар мадҳ этишига мажбур бўлганларинг сени ҳеч мажнунларинг сингари қўмсаганмиди...

Кимнидир манфаатини ҳимоя қилиш йўлида ёзилган мақола, яна бошқасининг шахсий адоварти туфайли юзага келган кинояси, барча-барчасини ўз бағрингга сифдира олдинг ва давр тақозосига кўра, корани оқ - окни қора, дейишга мажбур бўлган-бамисоли асов отсан, азизим газета.

Мазмун жиҳатидан баркамолликка эришини орзу қилиб, саргардон бўлганим, ўқинма. Сен ҳақиқат куйчисисан ва адолат барқарор бўлишини истайсан. Фақатгина бир кимсанинг йўлига маёқ тутмадинг, сен доимо ҳалқни ўйладинг ва ҳалқ ичидаги бўлдинг, қадрдоним газета!

**Улуғбек ШАРОБИДДИНОВ,  
ёш газетхон**

Албатта, бундай эътироф Мэри Монтегюнинг маҳоратли ижодкор бўлганига ишора килади. Аслида ҳам шундай. Кутубхонада танда кўйиб, инсон ақлининг сўнгги мўъжизалари билан етарлича тўйинган Мэри Туркия сафаригача ҳам яхшигина шоира сифатида танилган эди. Унинг “Шаҳар эклогалари” (эклога – қишлоқ мавзусидаги шеърлар), “Сарой шеърлари” тўпламлари жамоатчиликнинг диккатини тортганди.

Кейинчалик “Турк мактублари” деб номланган, сиёсатчи-дипломатнинг хисоботи сифатида ёзилган бу асар уч жилдан иборат килиб тартибланди. Биринчи жилдда 1716 йил августдан 1717 йил апрелигача кечган воқеалар жамланган. Асосий йўналиш – Лондондан йўлга чиккан дипломатлар Нидерландия орқали Венага етиб келадилар. Гарчи уларга ўз миссияларига кўра анча унгай транспорт воситаси ажратилиши лозим бўлса-да, оддий почта каретасида йўлга тушадилар. Ҳатто баъзи маълумотларда Мэрининг навбатдаги фарзандига ҳомиладор эканлиги ҳам қайд этилади. Кўриниб турган қийинчиликларга чидаб, баъзан 24 соатлаб тинимсиз йўл тортишга тўғри келади. Бир мунча азоб хисобланган бундай саргузашт саёҳат завқи билан кўнгилли эди.

Иккинчи жилдда Константинопол (Истанбул)даги икки йиллик ҳаёт лавҳалари акс этган. Улар 42 мактубдан иборат бўлиб, 300 саҳифадан кўпроқни ташкил этади. Жамоатчиликни, асосан, шу қисм кўпроқ қизикиртган, чунки уларда маҳаллий халқ маданияти, мамлакатнинг харбий тизими, ахолининг ижтимоий қатламлари ва уларнинг турмуш тарзи, ислом дини талаблари асосида ташкил этилган оиланинг майший ҳаёти, худди шунингдек, эркак-аёл муносабатлари нақт гувоҳнинг жонли мушоҳадалари билан омухта ифода этилган эди. Шуниси эътиборлики, Усмонли турк империяси доимий тарзда Европага таҳдид солиб туарди, турклар уларнинг пистирмадаги душмани эди ва шу туфайли рақиб томонга доир ҳар қандай маълумот жуда қадрли эди...

Учинчи жилдда миссиянинг тугаши билан Англияга қайтиш ва йўлдаги кўрган-кечирганлар акс этган. Истанбул – Тунис – Генуя – Франция – Англия орқали ўтган йўлда ҳам қаламга олишга арзидиган таассуротлар топилгани шубҳасиз. Энди бу гал Мэри Монтегю воқеликка дунё кўрган ижодкор сифатида теран ёндашади, муюҳазалар яна ҳам қизиқарли ва теран тус олади.

\* \* \*

Мактублар шунчаки расмий ёзувлар ёки дипломатнинг қуруқ хисоботи эмас, балки ўзида жонли тафсилотлар, жой тасвиirlари, одамлар орасидаги мулокотларни акс эттирган, шунингдек, тарихий воқеалар, учрашувларнинг бадиий ифодасидан иборат қизиқарли асардир. Ҳатлар якин дўстига мўлжаллаб ёзилган дил номаси сифатида бўлиб, ўта самимий оҳангига, тааассуротларнинг ҳароратли ифодаси билан ажralиб туради. Уларда ўша даврдаги тараккиёт даражаси,

икки тамаддун ва икки дин туташган эди. Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси, турмушнинг ҳар қандай манзараси ижодкор учун илҳомбахш эди. Вақт ўтган сари Мэрининг турк олами, ислом маънавияти ҳақидаги фикрлари яхши томонга ўзгариб борганини сезиш кийин эмас. Монтегю хоним Ғарб қолилларига тўғри келмайдиган бой ва қурама шаҳар маданиятини кўрди. У турклар табиатан анча ҳакпарат, хизматкорларига нисбатан адолатли эканликларини билди. Тўкинлик ва саҳоватни кўриб, шундай қайд этди:

## ШАРҚ ЖОЗИБАСИГА ОШУФТА ҒАРБ

(2-мақола. Биринчи мақола  
“Жамият”нинг 2022 йил 22  
сентябрь сонида ёзълонқилинган)



одамларнинг жонли ҳаёти, турмуши (кийимлар, овқатлар, одат ва анъаналар) ёрқин акс этади. Жумладан, Нидерландияда тротуарларни юваётган фаррошларни кўриб, “Улар бизнинг ётоқхона хизматчиларимиздан ҳам кўра хафсала билан ишлашарди” дейди. Чехияда катта пўстинга ўраниб олган хотин кулгисини қистади ва “Унинг елкасига “Бу - аёл” деган ёзув илиб кўйилмаса, ҳеч ким танимайди” деб ёзади.

Мактублар жиддий мавзулардан баҳс юритган. Тадқиқчиларнинг таъкидлашича, уларда бирон ўринда йўлдаги даҳмазалар: паспорт текширувлари ёки пул алмаштиришлар ҳақида эслатилмайди. Аксинча, ўтган манзилларидаги одамларнинг майший ҳаёти, турмуш тарзи кўпроқ акс эттирилади, ёрқин табиат манзаралари тез-тез учрайди. Австрия худудларидан ўтганда яқинда турклар билан бўлган уруш асоратларига кўз тушарди. Майдонларда ўлиб ётган отларнинг лоши, ҳатто дағн этилмаган одамлар сочилиб ётарди. Гарчи яқинда бўлган тўқнашувда турклар мағлуб бўлган эса-да, хоним улар шаънига асло танқидий фикр билдирамайди.

Истанбулдаги 2 йиллик ҳаёт тафсилотлари, айниқса, қизик ва кадрли. Бу жойда на факат икки қитъя, балки

“Бу одамлар биз ўйлаганчалик дағал эмас. Мен ишониб бораяпманки, уларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари тўғри; улар ҳаёт маъносини мусикада, боғларда, шароб ва мазали таомларда деб билишиади, биз эса ўз ҳавасларимизни ҳеч қачон завқ бермайдиган мураккаб сиёсий ўйинлар ёки қандайдир фанларни ўрганиш орқали кондирмоқчи бўламиз, яна одамларни ана шуларни қадрлашга мажбур ҳам киламиз”.

Мэри хоним турк аёлларининг либосларидан ҳайратланади ҳамда уларнинг чодра ва кенг қуйлаклари ғарб аёлларининг нокулай ва мураккаб кийимларидан кўпроқ эҳтирос кўзгашини ва ҳаракатланишда кулагилигини сезади. У ҳатто турк ҳаммомини завқ билан, батафсил тасвиirlар экан, ундаги аёллар очиклиги, уларнинг қадди-комати, табиий ўзгачалигидан янги таассуротлар олади, ўзи ўрганган манзаралар билан таққослаб, шарқ латофатини хис этгандек бўлади, мусулмон оламига эътирофини изхор этади... Унинг бу тасвиirlари кейинчалик адабиётда рококко, романтизм, лиризм сингари жанр ва ўйналишлар ривожига ижобий таъсир этганини мутахассислар таъкидлайди.

Булардан ташқари, Мэри Эдуард Монтегюнинг бошқа бир кўринмас

хизматини қайд этмаслик ҳам мумкин эмас. У Истанбулга чечак касалига чалинган ҳолда келганди, оқибатда, унинг табиий қиёфаси бузилиб қолган, юзини яра босган, киприклари тўқилиб кетганди. Бу дард ўша пайтда кўп тарқалган ва одамлар қаттиқ азият чекишар, давоси топилмаган эди. Аммо хоним ўзи унга чалингач, халқ табобатида унинг давоси борлигини билди ва ўзи ҳам шу усул воситасида шифо топди. Англияга ҳам чечакка қарши эмлаш усули (вариоляция)ни ўрганиб келди. Эътиборли жиҳати, гарчи баъзи давраларнинг эътирозига қарамай, 1790 йилда Эдвард Дженнер томонидан хавфсиз вакцина кашф этилгунча зодагонларнинг болалари шу усулда эмланиб келинди. Умрининг охири йилларда ёлғизликни ихтиёр этади (балки чечак туфайли башараси бузилиб кетганидандир), никоҳини бекор килиб, Италияда яшайди. Фақат умр шоми яқинлашганини сезгач, Англияга қайтади.

“Турк мактублари”ни Мэрининг қизи (унинг ҳам исми Мэри, 1736 йилда Джон Стюарт (1762-63 йилларда бош вазир)га турмушга чиққанди) тўплаб, нашрга тайёрлайди, факат уларнинг китоб бўлиб чиққанини муаллиф кўра олмайди. Китоб 1763 йилда босмадан чиқади. У тезда шухрат қозонади ва қиска вақтда кетма-кет нашр этилади. Ҳатто инглиз тилидан ташқари француз, кейинчалик чех тилларига таржима килинади. Замонлар ўтиб, бу асарга қизиқиши сўнмаган. Ҳатто 1965-67 йиллар давомида мазкур уч томлик изоҳлар билан тўлдирилиб, қайта нашр этилади. (The complete letters of Lady Mary Wortley Montagu, 3 vols, edited by Robert Halsband, Oxford: Clarendon Press, 1965-67.) Қолаверса, аёл саёҳатчи, ёзувчи ижодининг маҳсулси сифатида муҳлислар топилиб турарди, қатор тадқиқотларга мавзу бўлади. Умуман, М. Монтегюнинг “Турк мактублари” журналистика тарихида ўзига хос тарзда қайд этилади.

...Ўзига мафтун ва мағрур Осиё, Шарқ олами бепоён худудда ястаниб, бамайлихотир умргузаронлик қила-веради. Гўзалга ошуфта бўлган ошиқдек ғарб эса уни ўрганади, ўрганиб, ўзини бойитади. Эҳтимол, кун ботишининг инсоният тамаддунига кўшган улкан ҳиссаси – мислсиз кашфиётлар шу бедорликнинг маҳсулидир. Куёш шу тарафдан чиқишини билган Шарқ эса туганмас хазиналарнинг манбаи бўлиб қолаверади.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

## Эълон

### “Тошкент Минтақа” МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

O’zbekiston Respublikasi “Issiqlik Elektr Stansiyalari” Aksiyadorlik Jamiyati, Toshkent “Issiqlik Elektr stansiyasi” Aksiyadorlik Jamiyati”нинг 2022 йил 16 ноябрдаги №04-30/4315 сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти Қирай тумани Салар Toshkent “Issiqlik Elektr stansiyasi” Айда сақланаётган ушбу автотранспорт воситалари очиқ аукцион савдога кўйилмоқда:

1. “Зил-130 АГП 22” русумли, давлат рақами 10/407КАА бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 64 450 400 сўм.

2. “2ПТС-4793” русумли, давлат рақами 10 ВА 170, 1997 йилда ишлаб чиқарилган тиркама. Бошланғич баҳоси — 7 574 490 сўм.

3. “КС-5363А” русумли, 1985 йилда ишлаб чиқарилган. Баҳоси — 220 459 000 сўм

4. “Балқакран” русумли, давлат рақами 10 СА 284, 1987 йилда ишлаб чиқарилган вилкали юклагич. Баҳоси — 24 484 000 сўм

5. “Зил-4314410” русумли, давлат рақами 10/399 КАА, 1993 йилда ишлаб чиқарилган. Баҳоси — 58 781 000 сўм.

Аукцион савдолари 2022 йил 30 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилингандаги муддати: 2022 йил 29 ноябр соат 16:00. Автотранспорт воситаси

2022 йил 30 ноябр куни сотилмаган тақдирда, такорий савдоси автотранспорт воситаларининг 7 ва 14 декабрь 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилингандаги муддати 1 кун аввал. Голиб харидор савдо ташкилотчисига мулк сотилиш баҳосидан 5% тўлаб беради. Савдо галибига 10 банк иш кунидаги сотувчи билан олди-сотди шартномаси тушиб мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 физизидан кам бўлмаган миқдорда бадал пулини АТБ “Капиталбанк” Яшнобод филиали, x/r: 20208000205363013001 МФО: 01136, СТИР: 308305364. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Мирбодтумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-йи. Тел: 71 233-28-52, 90 358-38-07 90 971-20-00. Гуоҳнома №965941

Янгилжон Сабурова 1998 йил  
Қорақалпогистон Республикасининг  
Тўрткўл туманида туғилган. У  
хозирги кунда Камолиддин Беҳзод  
номидаги Миллий рассомлик ва  
дизайн институти Амалий санъат  
ва дизайн факультети Мельморий  
ёдгорликлар безагини таъмирлаш  
йўналиши 4 босқич талабаси.

Янгилжон ўз устида тинимсиз  
изланиб, ўқишдан, ўқишдан  
толмайдиган, доимиий ижодий  
фаолиятда бўлган иқтидорли  
талабалардан бири. Унинг  
жорий йилда 3 марта – май ойида  
“Ушалаётган орзуларим”, сентябрь  
ойида “Мустақиллик менинг  
нигоҳимда” ҳамда “Рангларда  
юргазмалари бўлиб ўтди. Ҳали  
ёш бўлишига қарамай, бир қатор  
кўргазмаларга муаллифлик қилиб,  
халқаро танлов ва фестивалларда  
фаол иштирок этиётган Янгилжон  
ёшларимизга ибрат намунасиdir.

### ЕРДАГИ РАСМ

Болалигимдан шеър ёзиш, расм чи-  
зишга қизикар эдим. 4 синфда ўқиб  
юрган кезларим эртак китоблардаги  
расмларга қараб, ўша расмларни худди  
ўзидек чизишга ҳаракат қиласдим. Кей-  
инчалик ўзим замонавий эртаклар ёзуб,  
унга мос расмлар чиза бошладим.

Ховлимизда мўъжазгина тандири-  
миз бор эди. Онам биз учун тез-тез нон  
ёпарди. Бир куни онамнинг нон ёпаёт-  
ган ҳолатларини кузатиб турдим-да,  
кўлигма ингичка чўпни олиб, тупроққа  
расм чиздим. Расмни шу қадар иштиёқ  
билан чиздимки, хаяжонимни берки-  
та олмай уни уйдагиларга кўрсатдим.  
Ўшанда онам расмни кўриб, жудаям  
хурсанд бўлганди. Отам эса: “Худди  
ўзидек чизисан, она қизим. Шунчалар  
ўхшабдик...” деб ерга чизилган расм-  
ни ҳеч ким оёғи билан босиб юборма-  
син деб, атрофини катта тошлар билан  
ўраб кўйган эди...

Ўша воқеадан кейин ота-онам мени  
туманимиздаги Болалар мусика ва  
санъат мактабига ўқишга беришди. 5  
синфдан бошлаб тасвирий санъатнинг  
сир-асорларини ўргана бошлаганман.  
Ўша йили оиласиз билан телевизор  
кўриб ўтирганимизда, Ўзбекистон телеканалининг “Ассалом, Ўзбекистон”  
дастури орқали “Камолиддин Беҳзод  
издошлари” номли ўш рассомларнинг  
республика кўрик-танлови бўлиб ўти-  
ши ҳақидаги эълон берилди. Ота-онам  
“Шу танловга, албатта, чизган расм-  
ларингни юбориб кўрамиз”, дейишиди.  
Бу гапни эшишиб, ичимда қандайдир  
шижоат пайдо бўлди. Танловда ишти-  
рок этиш учун яна-да кўпроқ, чиройли  
ва мазмунли расмлар чиза бошладим.  
Расм чизишга шунчалик киришиб кет-  
дим-ки, танловнинг қабул кунлари яку-  
нига етгунича деярли кўзларим уйку  
нималигини билмади. Танловга расм-  
ларимни юборимганимиздан сўнг нати-  
жасини хаяжон билан кута бошладим.  
Нихоят телеканал орқали натижалар  
эълон қилинди. Мен голиблар категори-  
да ўзимнинг исм-фамилиямни эшишиб,  
кувониб кетдим. Шу кичкинагина илк  
ютуғим ота-онамнинг севинч кўз ёшла-  
рига сабаб бўлган...

### ОРЗУЛАР САРИ ҚАДАМ

Айна шу ютуғим сабаб пойтахтимиз  
Тошкентни илк бора кўришга мушар-  
раф бўлганман. Дадам билан шахар-  
нинг энг кўркам ва гўзал жойларини

# ТУПРОҚҚА ЧИЗИЛГАН СУРАТ

айланиб томоша қилганимиз. Факат  
телеэкран орқали кўрганларим Му-  
стақиллик хиёбони ва Амир Темур  
бобомиз ҳайкали ёнига борганимда  
мурғак юрагимда фаҳр, ғурур ва ифти-  
хорни хис этганман.

Шахарни сайр қилиб бўлганимиздан  
сўнг белгиланган вактда Ўзбекистон  
телерадиокомпаниясига этиб бордик.  
У ерда “Ассалом, Ўзбекистон” дасту-  
рида иштирок этдик. Улар менга голи-  
блигим ҳақидаги диплом ва совгалирни  
топширишди. Ўша кўрсатувда Ўзбе-  
кистон Республикаси санъат арбоби  
Ортиқали Қозоков ҳам иштирок этиб,  
голибларни муборакбод этди. Мен  
танловда топширганларимдан ташқа-  
ри бир қатор чизган расмларимни ҳам  
кўтариб олиб борган эдим. Ўшанда Ор-  
тиқали Қозоков менинг чизган расм-  
ларимга юқори баҳо бериб, ўз устимда  
тинимсиз ишласам, яхши рассом бўла  
олишим мумкинлигини алоҳида таъ-  
кидлади. Мен самимий фикрлардан  
кувониб, устозга шеърлар ҳам ёзуб ту-  
ришимни айтдим. Устоз дафтарга тар-  
тиб ёзилган шеърларимни бирма-бир  
ўқиб кўрди-да, “Бу шеърларни кичик  
шеърий тўплам килиб нашрдан чиқара-  
миз”, деди...

2010 йилда менинг энг катта орзула-  
римдан бири бўлган “Рангин хаёллар”  
номли илк шеърий тўпламим нашрдан  
чиқди. Шу ижод завқининг шижаоти  
билан шеър ёздим, расм чиздим. 2011  
йил “Нур жилваси” номли иккинчи ва  
2013 йили “Олам ва оҳанг” номли учин-  
чи ва шу йили “Фасллар нафаси” номли  
тўртинчи шеърий тўпламларим нашр-  
дан чиқди.

Ҳар йили ўкув йили тугаши билан  
Тошкентга дадам билан келиб, устоз-  
зим Ортиқали Қозоковга йил давомида  
чизган янги расмларимни кўрсатиб,  
камчиликларим борасида маслаҳатлар  
олардим. Ҳар йили республика ва вило-  
ят телеканаллари орқали ижодим ҳақи-  
да кўрсатувлар тайёрланар эди. Мен шу  
юртимнинг фарзанди сифатида бундай  
эътибор ва рағбатдан кувониб, янада  
кўпроқ ижод қилишга интилар эдим.  
Мактабим, туман ва вилоятимда таш-  
кил этилган барча танловларда фаол  
иштирок этиб, бир қатор “Фаҳрий ёр-  
лик”, диплом ва сертификатлар билан  
тақдирландим...

Мактабни имтиёзли шаҳодатнома  
билан тамомлаб, Хоразм вилояти Ур-  
ганч санъат колледжига ўқишга қабул  
қилинди. Бу менинг тасвирий санъат  
оламига кўйган катта қадамларимдан  
бири эди.

### УМИДЛАР ОРТИДАГИ ҚАТЪИЯТ

Урганч санъат коллежини ҳам имти-  
ёзли диплом билан тамомлаб, Нукус  
давлат университетининг Тасвирий  
санъат факультетига ўқишга ҳужжат  
топширидим. Аммо ўқишга кира олма-  
дим. Шундай бўлса-да, олдимга кўй-  
ган мақсадларим сари қатъий ҳаракат  
кила бошладим. Тинмай ўқидим, ўр-  
гандим. Орадан бир йил ўтиб Тошкент  
шахридаги Камолиддин Беҳзод номи-  
даги Миллий рассомлик ва дизайн ин-

ститутига ўқишга ҳужжат топширидим.  
Афусуси бу уринишим ҳам омадсизлик  
 билан якун топди.

Умид деган туйғу инсонга қанчалик  
куч-куват бера олишини ўшандагина  
ҳис этдим. Кўнглимдаги оппок орзула-  
рим, чексиз умидларим келажак сари  
дадил қадам ташлашим учун ёрдам бе-  
рарди. Олий ўкув юртига кириш учун  
тайёрланиш баробарида хусусий нашр-  
лардан бирига мусаххих бўлиб ишлай  
бошладим. Нашрларда эълон қилин-  
диган кўрик-танловларни эътиборсиз  
қолдирмас эдим. Айнан шу сабаб бир  
нечта халқаро танловларда иштирок эт-  
дим ва фаҳрли ўринларнинг соҳибаси  
бўлдим.

Онам доимо “Омад кимгадир олдин,  
кимгадир кечроқ берилади. Шундай  
экан сен ҳеч қачон тўхтаб қолмагин.  
Сен албатта барча орзу умидларингга  
эришасан, олий ўкув юртининг талаба-  
си бўласан”, деб далда берарди...

### ТАЛАБА БЎЛГАН КУНИМ – ЭНГ БАХТЛИ ОНИМ!

Нихоят мен 2019 йил Камолиддин  
Беҳзод номидаги Миллий рассомлик  
ва дизайн институтининг Амалий санъ-  
ат ва дизайн факультетининг “Мельморий  
ёдгорликлар безагини таъмирлаш”  
таълим ўёналишига тўлов шартномаси  
асосида ўқишга қабул килиндим. Бир  
томондан талабалик баҳти мени осмон-  
га парвоз килдирса, иккинчи томондан  
оиласизнинг иқтисодий аҳволи мени  
ўйлантириб кўйган эди. Ота-онам кон-  
тракт пулини қандай тўлашар экан, деган  
ўйловлар севинчимга тўскинлик  
килиб туради.

Ҳаётимнинг энг катта пойдевори-  
ни шу талабалик пайтимда бунёд этя-  
пман, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам  
ўтётган ҳар бир куним ва сониямни,  
устозларимнинг сабоқларини, ўғит ва  
маслаҳатларини бехад қадрлайман.

### МЕҲНАТЛАР НАТИЖАСИ

Биз оиласда тўрт опа-сингилмиз.  
Катта опам оиласи. Қорақалпогистон-  
да яшайди. Ҳозирги кунда иккиси опам  
ва мен тўлов контракт асосида турли  
олий ўкув юртларида таълим олмоқда-  
миз. Ота-онам “Қиз боласизлар, уй-  
дан узоқда қўйналиб қолманлар”, деб  
бизни деб, Тошкентга кўчуб келишди.  
Отам Ўрикзор бозорида боғбон бў-  
либ ишлайди. Гоҳида уч фарзанднинг  
ўқиши учун тўлов шартнома пулини  
ҳамда истиқомат қилаётган уйимиз-  
нинг ижара ҳақини тўлаш, кунлик  
харажатлар отамга оғирлик қилади.  
Шунинг учун иккиси опам ҳам ўқи-  
шдан кейин ишлашяпти. Мен ҳам бирор  
жойда ишлай, оиласизга ёрдам берай  
десам, оиласда кичкина фарзанд бўлга-  
ним учунми, билмайман, “Сен аввал  
ўқишингни тугатиб олгин”, деб рухсат  
беришмайди. Отам бизга доимо “Бу  
қийинчилклар вақтинчалик. Ҳамма-  
си ўтиб кетади. Асосийси сизлар ўқи-  
мишли, билимли, ватанимизга керакли  
инсон бўлиб улгайинглар. Ана ўшан-  
дагина менинг бу кунларим бутунлай  
унут бўлиб кетади”, дейдилар.

Мен шундай пайтларда қизларининг



оиласиди, уқимишли ва ҳалти үулиши  
учун ҳар қандай қийинчилликка тайёр  
бўлган отам борлигидан фаҳранаман.

Шуни кувонч билан айта олман-  
ки, шу кунга кадар меҳнатларимнинг  
қайсиидир қисми юзага чиқди. Мен шу  
йилнинг ўзида қадрон институтимда,  
Ўзбекистон давлат Санъат музейида,  
Икуо Хирамя Халқаро маданият кар-  
вон саройида шахсий кўргазмаларимни  
ўтказиш баҳтига муясар бўлдим.

Устоз Ортиқали Қозоковнинг кўргазмаларимдан бирида йигилганларга  
мени ҳозирги кунгача бўлган ютуқла-  
рим ҳақида гапириб берди. Менга усто-  
зининг бир гаплари жуда таъсир қилди.  
У киши “Янгилжоннинг чизган асар-  
ларига назар солар экансиз, рангларни  
маҳорат билан сўзлата олганига гувоҳ  
бўласиз. Биз талабалик пайтимизда  
кўргазмалар кила олмаганимиз. Шахсан  
ўзим олий ўкув юртини тугатиб, беш  
йил ўтгандан сўнг шахсий кўргазмамни  
ташкил қилганим. Шуни алоҳида таъ-  
кидлашни истардимки, ҳали ўтгиз ёшга  
кирмасдан бир қанча кўргазма ташкил  
этиш бу катта матонат ва юртимиз, дав-  
латимиз раҳбари томонидан ёшларга  
бериладиган юксак имконият. Мен ват-  
танимнинг шундай меҳнатсевар, ти-  
ришқоқ фарзанди борлигидан, у менинг  
шогирдим эканлигидан фаҳранаман.  
Янгилжон келгусида чет элларда кўргаз-  
ма ташкил қиляпман, деса ҳам ҳай-  
рон қолмайман. Сабаби унда етарлича  
салоҳият ва истеъдод бор”, деди.

Устозимдан бундай самимий сўзларни  
эшитаётганимда севинч кўзёшларим  
тўхтатиб тура олмадим. Шогирд учун  
устозининг фаҳранаман деган сўзла-  
ридан-да устунроқ эътироф ва мамну-  
нийт бўлмаса керак.

Айниқса, институт ректори Аб-  
босжон Мирзораҳимовнинг биз тала-  
баларга килаётган эътиборлари шу ерда  
таълим олаётган ёшларни кувонти-  
роқ мөқаддис. Мен шу ўринда институтда таъ-  
лим беряётган барча устозларимга ва  
ректоримизга алоҳида миннатдорлик  
билираман.

Келажакда мен ўз олдимга бир қатор  
мақсад ва режаларни белгилаб олдим.  
Келгусида юртимга муносаб фарзанд  
бўлиб, танлаган ўёналишимдаги бар-  
ча сир-асорларни чукур ўрганаман ва  
маданий меросимизни асраб-авайлаш,  
уларнинг асл ҳоли ва тароватини йўқот-  
маган ҳолда авлодлардан авлодларга  
етиб бориши, юртимни дунёга намоён  
қилиш учун бор кучим ва меҳнатимни  
сарф этаман. Устозларим кўрсатган  
нурли йўл илиа Янги Ўзбекистонимнинг  
ривожига ўз ҳиссамни қўшаман.

**Нилуфар ЖАББОРОВА,**  
Камолиддин Беҳзод номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн  
институти Матбуот котиби –  
Ахборот сиёсати масалалари бўйича  
ректор маслаҳатчиси



# ЭХТИЁТ БЎЛГАН АДАШМАЙДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича 80 миллионга яқин киши ОИВ инфекциясига чалинган, шулардан 38 миллиондан ортиғи хаётдан кўз юмган. Бу манфур инфекциясига кўпроқ ёшлар, яъни 20 дан 40 ёшгача бўлганлар чалинмоқда. Инсон ҳаётининг айни гуллаб яшнаган, севиб-севилиб турмуш қурадиган, шириндан-шакар фарзандлар кўриб уларнинг тарбияси билан шуғулланадиган, ўқиб-ўрганиб касб-хунар эгалладидиган, елиб-югуриб ишлаб ўзи, оиласи ва жамиятига фойдаси тегадиган даврида бу инфекцияга чалиниши жуда ачинарли ҳолатdir.

Олдимизда ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва унинг тарқалишига қарши курашишдек муҳим вазифа туриди. Бу вазифани бажариш маҳаллий ҳокимликлар, жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ҳамкорликда фаолият олиб борилиши зарурлигини тақозо этади.

ОИВ инфекциясини факат лабораторияда кон таҳлилини ўтказиб-гина ташхис қўйиш мумкин. Тиббий текширувдан ўтказиша дастлабки ва кейинги маслаҳат ўтказилганлик тўғрисидаги маълумотлар фуқарога мурожаат қилганида очилган тиббий хужжатга ёзиб қўйилади. Агар текширувдан ўтаётган шахса ОИВ аниқланса, ушбу шахс билан кейинги маслаҳат хақидаги маълумотнома шакли тўлдирилади ва тиббий хужжатга илова қилиб тикиб қўйилади.

18 ёшгача бўлган болаларни аноним равища ОИВга текшириш қатъян ман этилади. Ихтиёрий маслаҳат ва текширув – бу шахснинг ўз истаги билан маслаҳат олиш ва текширувдан ўтиш учун тиббий муассасага мурожаат қилишидир. ОИВ га аноним текширув – бу мижознинг ўз истаги билан ихтиёрий тарзда ва шахсни тасдиқловчи хужжатларсиз ёки шахсий маълумотларни қайд қилинмаган ҳолда ОИВ

инфекциясига текшириш.

Тиббий ходимнинг ташаббуси билан текширув ўтказиш – бу даволаш профилактика муассасасига мурожаат қилган шахсга маслаҳат бериш ва текшируvни тиббий ходим томонидан таклиф этилишидир.

ОИВ инфекциясига қарши маҳсус ҳимоя омили – вакцина ҳали ишлаб чиқилмаган. Касалликдан тамоман соғайтирувчи, танадаги вирусларни бутунлай бартараф этувчи дори-воситалари ҳамон мавжуд эмас. Ҳозирда қўлланиладиган антиретровирус терапия (АРТ) дори воситалари организмда вируснинг кўпайишини сенингширади, касалликка чалинган одамнинг умрини узайтиради, бироқ вирусни бутунлай ўлдира олмайди. Ундан сақланишининг асосий, ягона чораси бу профилактика, яъни касаллик юқишининг олдини олишdir.

Бу вирус ҳимоя кўргонимиз бўлган айнан шу лимфоцит хужайрасининг ичига ўтиб, унинг материалидан курилиш ашёси сифатида фойдаланиб кўпаяди. Лимфоцит хужайраси ичida 1 та вирусдан минглаб вирусчалар ҳосил бўлади. Бу вирусчалар лимфоцит хужайрасини емириб қонга ўтади. Бир кечада кундузда қонда миллиардлаб вируслар пайдо бўлиши мумкин. Кон-

да юрган вирусларни бошқа соғлом лимфоцитлар аниқлади ва бартараф этади, бироқ лимфоцит хужайралаши ичига кириб улгурган вирусларни бартараф қила олмайди. Ҳужайра ичига кириб улгурган вирусни лимфоцит бегона эмас, ўзининг бўлаги сифатида қабул қиласи ва унга қарши кураша олмайди.

Тана ва вирус ўртасидаги бу йўсингдаги кураш вирус юқтирган вақтдан бошлаб, бемор ҳаёти тугагунча давом этади. Вирус билан заарланишининг дастлабки йилларида лимфоцитлар вирусларнинг тажовузкорлигини босиб турди. Шунинг учун ОИВни юқтирган одам дастлабки йилларда ўзини соғлом ҳис қилиши ва касаллик ҳолатлари яққол намоён бўлмаслиги сабабли ОИВни юқтирганлигини билмаслиги мумкин. Бу касалликнинг яширин даври бўлиб, тананинг бақувватлигига қараб 3-6 ойдан 5-10 йилгача давом этиши мумкин. Бу даврда одамнинг ташки кўриниши, соғлом одамларнинг ташки кўринишидан фарқ қилмайди. ОИВ-инфекциясининг бу даври жуда ҳавфли бўлиб, одам билиб билмай касалликни бошқаларга юқтириб қўйиши мумкин.

Ўзингиз, оилангиз, фарзандларингизнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида сарф қилган меҳнатингиз самарасини фарзандларингиз саломатлиги, оила осойиштаги, баҳти ва камолида кўрасиз.

**Ҳайит ШАИМОВ,  
Расул ҚУРБОНОВ,  
Сурхондарё вилояти  
ОИТСга қарши кураш маркази  
мутахассислари**



## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Узбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

**Бош мухаррир  
Мақсад ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида сахифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1108  
Адади: 1515.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

**Навбатчи:**  
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55


Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6



# АБДУЛЛА ҚАХХОРНИНГ ХУРМОСИ

(Боши 1-саҳифада)

Дарвоқе, икки ён томондаги уй томиғача шох ташлаган бу ноёб хурмо дарахтини қачон ва ким экканлигига ҳам қизиқаётган бўлсангиз керак?

— Буни эндиғина сиздан сўрайман деб турган эдим?

— Унда сиз тингланг, мен эса бир бошдан ҳикоя қиласай.

— Жоним билан.

— Мана шу қатордаги ўйларнинг бари 1957 йилда қурилган. Ўша пайтда Шароф Рашидов Абдулла ака янги ўйларнинг барини бирма-бир кўриб чиқсингилар-да, қайси бири маъқул бўлса, ўшанга кўчиб ўтаверсинлар деган эканлар. Абдулла Қаҳхор рафиқаси Кибриё Қаҳхорова билан икки қаватли бу ўйларни кўздан кечириб, энг кичиги – мана шу ҳовлини маъқул кўрган экан.

— Нега энг кичигини?

— Биз икки кишимиз. Шуниси бўлади. Катталарини оиласи катталар олсин деган экан адид.

— Қойил. Бу гапни ҳамма ҳам айттолмайди. Айниқса, бугун гектарлаб ерни ўзлаштираётган кўзи очларга сабоқ бўладиган гап экан.

— Афсуски, Қаҳхордек бағрикенг, саҳий ва мард одамлар борган сари камайиб бораётти. Майли, ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин. Хуллас, 1964 йил баҳорида адабининг қўйконлик дўстларидан бири унга олма, гилос, нок ва хурмо кўчатлари олиб келади. Қаҳхор уларни жой-жойига ўтқазиб, Кибриёхоним билан парваришлай бошлайди. Инсон меҳр-муҳаббатидан баҳра олган ниҳоллар гуркираб ўса бошлайдилар. Кейинги йилнинг ўзидаёт айримлари гул ва япроқ, ҳатто нишона мева кўсатиб, адидни беҳад мамнун этади.

1968 йил қиши хаддан ташқари соvuқ келди. Қор устига қор ёғди. Ёққани тиззани кўмадиган бўлди. Баҳорнинг бошида ҳам шаштидан тушмаган соvuқ қанчадан-қанча боғлар билан қанчадан-қанча мевали дарахtlарни ҳам қийратди. Бунақа қишининг кўпини кўрган Қаҳхор илк кунданоқ ниҳолларини қалин кийинтириб, ингандай санчиладиган даҳшатли совуклардан омон-эсон олиб ўтди. Улар билан ҳар куни саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Қалбларига кулок тутди. Озуқаси-ю, сувини канда қилмади. Ниҳоллар чукур илдиз отиб, кучга кирди. Шох ёзиб, мева бера бошлади. Айниқса, адид хурмонинг ilk мевасини кўрганда шундай кувондик, хеч кўяверинг. Афсуски, у қанд диабети хасталиги

борлиги учун бундай ширин неъматлардан ўзини тиярди. Шифокорларнинг тавсиясига биноан анорга ўхшаган аччиқ мева истеъмол қилиши мумкин эди. Шубоис ўша машҳур боғбон дўсти адид боғидаги меваларнинг кўпини пайванд қилиб берган эди. Шужумладан хурмоларни ҳам. Ўшандан буён бу дарахтда икки хил хурмо битади. Адид ёзниг мевасини ҳам, кузнинг хурмосини ҳам кўни-кўшнилару дўсту биродарларига улашар, бу унга қандайдир хузур бағишилар экан. Уйига келган меҳмонлар ҳам дастурхонга тортилган асалдай мевалардан роҳатланиб, мезбонларга мингдан-минг раҳмат айтиб кетишаркан.

1968 йилнинг 8 апрель куни Абдулла Қаҳхор Кибриёхоним ҳамроҳлигida даволаниш учун Москвага йўл олади. У “тез ёрдам” мошинаси олдида тўхтаб, бениҳоя тушкун ҳолда эндиғина бешинчи баҳорни қаршилаган дарахtlарига бирпаст тикилиб турди. Чукур хўрсинганча кўзларидан юзига ёш думалайди. Шабада бўлмаса-да, дарахtлар “Отажон, тез фурсатда соғайиб қайting!” деяётгандек бир маромда тебраниб тургандай кўринадилар. Адид ҳамшира ёрдамида мошинага чиқар экан, худди фарзандлари билан хайрлашгандек, унга мўлтираб қараб турган боғига оҳистагина кўл силкийди. Ҳовли хувиллаб, дарахtлар унсиз йиғлаганча бош эгиб қоладилар.

Орадан киркетти кун ўтиб, тонг палласи адид ҳовлисингинг дарвозаси ланг очилиб, йигирматача одам дод-фарёд солиб, тобут кўтариб кирди. “Нима гап ўзи? Бу одамлар кимлар? Улар нега йиғляптилар? Улар бу ҳовлига адашиб кириб қолмадиларми...” Хуш бошларидан учган дарахtлар кўнглидан ана шундай саволлар ўтиб, анграйганча қотиб қолдилар. “Вой, нега Кибриё онамиз кўксига муштлаб йиғляпти?”, “Қаҳхор отамиз қани?”, “Нега у кўринмаяпти?”, “Ёки ҳали Москвадан қайтмадимикан-а?” Фам-ғуссага ботган аччиқ анор, олма, нок ва гилос шундай дәя нола қилгандан хурмонинг кўзи тобут ичиди ётган Қаҳхорга тушиб, “Отажон, отажонги нам, сизганима бўлди? Нега тобут ичиди ётибсиз? Туринг, тура қолинг, отажон!” дәя ҳайкириб юборди. Яна бири “Отажон, биз сизни соғиндиқ, жудям соғиндиқ. Илтимос, кўзларингизни очинг!”, деб йиғласа, бошкаси “Эй, бевафо дунё, нималар қилиб кўйдинг?”, деб оҳ уради. Еру-кўкни фарёд, мотам тутди. Тумонат одам йиғилди. Тобутни уйга олиб кирдилар. Бироздан сўнг, олиб чиқдилар. Шу пайт юқоридан катталар келди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Шароф Рашидов Кибриёхон

нимга таъзия изҳор қилди. Кейин ёзувчи Шуҳрат домлага юзланди. Шуҳрат домланинг гапларини бошини қимирлатиб- қимирлатиб эшилди. Кейин изига қайтиб, бошини ҳам қилганча чиқиб кетди. Кейин одамлар тобутни елкаларига қўйиб, ҳовлини тарқ этдилар. Дараҳтлар кўлларини чўзганча бўзлаб колавердилар...

Ҳали адабининг қабри устидаги тупроқ совумай уй можароси бошланди. Кибриёхонимнинг жигарлари кимсан ҳалқ ёзувчиси уйига эгалик қилиш ҳаракатига тушиб қолишиди. Бундан адабининг ўғиллари – Пўлат билан Суяр хабардор бўлганмиди? Наҳотки, улар эшилмаган бўлишса? Балки, Кибриёхоним учқунни аланга олдирамаслик учун индамай қўяқолгандир?! Ҳа, айтганча, ўғилларнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам жанозада кўринмади. Ахир, Қаҳхор ўғилларим бехабар қолмасинлар деб тайинлаган эди-ку. Наҳотки, бу гап эшилганларнинг ёдидан кўтарилган бўлса. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Нима бўлгандан ҳам адабининг ўғилларига хабар етиши керак эди. Ота билан видолашиб, уни иззат-икром билан тупрокка кўйиш фарзанднинг бурчи эмасми? Ёки улар эшилтиб туриб, келмадиларми? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Бу ерда бошқа гаплар бор, шекилли. Бундан хабардор одам хаётдирил балким. Ҳаёт бўлса, нега шу вақтга қадар жим ўтириби? Кимдан, нимадан чўчияпти? Ахир, уй-жой талашгандарнинг бари бу дунёдан ўтиб кетишган-ку! Майли, бир кунмас бир кун бу гаплар ҳам очилиб қолар. Лекин, энди бунинг унчалик аҳамияти ҳам йўқ.

Ўшанда Кибриё опа узокни кўзлаб, оқилона иш тутган экан. Агар ҳовлисидағи хурмодан бошқа дарахtларни таг-туби билан олиб ташлаб, ўрнига ўзига бош-пана қурмаганида бугун Абдулла Қаҳхор уй-музейи ҳам, ундан ёдгорлик бўлиб қолган хурмо ҳам бўлмас эди. Не-не жанжалларни бартараф қилиб, не-не судларда ғолиб чиқиб, аёл боши билан қанчадан-қанча идора бошлиқлари эшигига бош уриб, ўзини минг бир азобга кўйиб, роҳат-фароғатдан кечиб, икки қаватли жаннатдай жойни уй-музейига айлантиришга ҳар кимнинг ҳам кўзи қиявермайди, журъят ва жасорати етавермайди. Ўзбек адабиётига, унинг буюк ижодкори Абдулла Қаҳхорга содик бўлган марду майдон аёл, моҳир таржимон Кибриё Қаҳхорова мардона туриб, бу улуғ ва савобли ишнинг уддасидан чиқди. Ўзи илмий ходим бўлиб, музей фаолиятини ташкил этди. Хурмо дараҳти тагида ўтириб, у билан хаёлан гаплашиб, дардлашиб, фикр алмашиб, илҳомла-

ниб, адид ҳаёти ва ижоди ҳақида рисола ва кўплаб мақолалар, хотиралар ёзди. Унинг “Чорак аср ҳамнафас” китоби бугун ҳам ўқувчилар томонидан катта қизиқиши билан ўқилмоқда. Бундай хайрли ва савоб ишларда мана шу хурмо унга қанот баҳш этди, кучига-куч, файратига-ғайрат қўшди. Кибриёхоним ҳам уни ўз фарзандидек кўриб, кувончини ҳам, дарду-ҳасратини ҳам шу хурмо билан баҳам кўрди. Дилядаги сир-асорини юзига қўйиб эркалади. Шеърлар, кўшиқлар айтиб берди. Унинг кўнглини шод этиш баробарида ўзи ҳам таскин топди, овунди. Ҳатто, кўзларининг ёшини шу хурмодан бошқага кўрсатмади. Бир жойда икки-уч кун туролмади. Қаҳхорни соғингандек хурмосини соғинди. Кўришганда икковлон ҳам яйраб кетдилар. Бора-бора улар бир-бирлари га бутунлай суюниб қолдилар. Хурмо Кибриёхонимсиз, Кибриёхоним хурмосиз туролмади. Опа уйда бўладими, кўчада бўладими, кўзларига хурмо тирик Қаҳхор бўлиб кўринаверар, қаредасиз деяётгандек туюлаверар эди. Унинг сим каравоти баҳордан то кеч кузгача хурмо ёнида бўлар, узун кечалардаги сухбатларига ой ва юлдузларни ҳам чорлашар, қаҳхорона мутола-а-ю, ижод танаффус билмас эди. Улар йигирма саккиз йил бир-бирлари га ҳамнафас бўлиб, бир-бирларини суйиб, бир-бирларига куйиб, яшадилар. Кейин... Кейин хурмонинг бошига яна мусибат тушди. Кибриёхоним уни абадул-абад тарқ этди. Хурмо ич-ичидан бўзлаб-бўзлаб, эзилиб-эзилиб йиғлади. Бевакт ўлим унинг қаддини букидди, қалбини ғам-ғуссага ботирди. Юзларига ажин туширди. Аччиқ алам ва изтироб куч-кудратини, кўзларининг нурини олди. Аммо, бу узокқа чўзилмади. Кимдир Қаҳхор бўлиб, кимдир Кибриёхоним бўлиб унга кенг кучок очдилар. Дардига малҳам бўлдилар. Яйраб-яшнаши учун ғамхўрлик килдилар. Қаддини ҳам, қадрини ҳам юксакларга кўтардилар.

Бугун у эллик саккиз ёшда. Ёнида Қаҳхордек меҳрибонлари, Кибриёхонимдек дилкашу дилдорлари бор. У ҳамиша эътибору эъзозда. Абдулла Қаҳхору Кибриёхонимни хотирлаб келган борки, бу хурмога мафтуну маҳлиё бўлмай қолмайди. Хурмо эса меҳмонларга тўлиб-тошиб қизиқ-қизиқ ҳикоялар, қизиқ-қизиқ хотиралар сўзлашдан толмайди. Ва албатта, ҳар бир меҳмонни тўкин дастурхонига таклиф этиб, асалдек хурмоси билан сийламай кузатмайди.

**Нуриддин ОЧИЛОВ**